

Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, г.Ташкент, улица Бунёдкор, дом 1

№ 14/03-83

“1” ИЮНЬ 2017 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
Вазир ўринбосари
Ш.Хамраева

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Хурматли Шавкат Рахимович,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан ҳудудлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи ўрганилиши муносабати билан жорий йилнинг 1-10 май кунлари Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида халқ билан бевосита мулоқотни таъминлаш, жойлардаги ишларнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинишини ва уларнинг эркинликларини таъминлашда мавжуд муаммолар ва камчиликларни қонуний ҳал этиш юзасидан аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш борасида ишлар ташкил этилди.

Халқ билан мулоқот жараёнида Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Нурсуқ ҚФЙ, Юқори кўча МФЙ ва Зинаша МФЙлари ҳудудларида яшовчи фуқаролар томонидан муҳим муаммоли масала кўтарилди.

Ҳудудда жойлашган “Сирдарё Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасига қаршли Нурсуқ насос станциясида 3 та насослар мавжуд, энг охиргиси 1987 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб 2 кун ишласа, бир ҳафта бузилиб ишламайди, қолган 2 та насос ва унинг двигателлари умуман яроқсиз аҳволда. Натижада, 2500 ошиқроқ оила ўз томорқасидан унумли фойдаланиши имкони бўлмапти, экилган экин ва дарахлар қуриб қетмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 12-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига асосан ушбу насос станциясини реконструкция қилиш, ёки янги кам харажатли замонавий двигатель билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан 10 кун муддатда асослантирилган ёзма маълумот беришингиз сўралади.

Хурмат билан,

С.Исмоилов